

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Барно Ўрозовна УНГБОЕВА

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон миллий метрология институти

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: barnoungbaeva066@gmail.com

Аннотация

Маколада ўзбек кинематографияси соҳасининг Иккинчи жаҳон уруши давридаги ривожланиш босқичлари тўғрисида таҳлилий мулоҳаза юритилиб, мустабид тузум даврида компартия мафкурасининг санъатга доир кўплаб қарорлари кино санъатининг эркин ривожланишига тўсиқ бўлганлиги, “социалистик реализм”дан бошқа барча ижодий услубларни кескин қораловчи советлар тузумини барча тузумлардан устун қўйишга қаратилган қарорлар ва қарашлари кино санъатига катта зарар келтирганлиги масалалари кўриб чиқилган. Шу билан бирга ўша даврда “рус халқи роли”ни кучайтириш ва коммунизм ғояларини сингдиришда кино соҳаси ташвиқот ва тарғибот куралига айланиб борганлиги очиқ берилган.

Таянч сўзлар: кино, кинематография, совет, социализм, СССР, кино қурилма, марказий комитет, колхоз, империалистлар, маданият.

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ УЗБЕКСКОЙ КИНЕМАТОГРАФИИ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

Барно Урозовна УНГБАЕВА

доктор философии по (PhD) историческим наукам

Национальный институт метрологии Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

e-mail: barnoungbaeva066@gmail.com

Аннотация

В статье, проведено аналитический обзор этапов развития узбекской кинематографии в годы Второй мировой войны, считается, что многие решения в отношении искусства авторитарного режима и его знаменосца – идеологии Коммунистической партии – препятствовали свободному развитию киноискусства, а решения и взгляды, направленные на возвышение советского строя над всеми другими системами, резко критиковавшие все творческие стили, кроме «социалистического реализма», нанесли огромный вред киноискусству. Вместе с тем, он выявил, что в этот период кинематограф стал орудием пропаганды и агитации для укрепления «роли русского народа» и насаждения идей коммунизма.

Ключевые слова: кино, кинематография, советский, социализм, СССР, киноаппарат, ЦК, колхоз, империалисты, культура.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин “ривожланган социалистик жамият” куриш учун кураш заминида муҳим рол ўйновчи кино санъати соҳаси дарҳол партия қўл остига олинди ва кино санъатида социалистик ҳаётни акс эттириш, умуман, маданиятни яна коммунистик мафкурага мослаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Бу борада атрофини темир панжара билан ўраб, хусусий мулкчилик, эркин бозор муносабатларига асосланган давлатларни “империалистлар” деб аташ ҳисобига “СССРда социализмнинг тантана қилиши” учун курашлар кучайиб, “социалистик миллат”ларнинг шаклланиши ва раванг топиши гўёки тараккий этишнинг муҳим ядроси ҳисобланди. Бу жамиятда ҳар бир миллат ва элат, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар бир хил ижтимоий тузилишга эга бўлиб, “совет халқи”нинг вужудга келиши эса бу жараёнларнинг муҳим белгиси эди [1;241].

Айни пайтда совет давлатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига “совет халқи”нинг шаклланиши учун турли қарашлар қоришмасидан иборат бўлган “социалистик миллат”, “социалистик жамият”, “социалистик маданият”, “социалистик ҳаёт тарзи” каби қўплаб тушунчалар ҳаёт тарзига зўрама-зўраки тикиштирилди. Давлат сиёсатида халқлар маънавиятини кейинги йўналишларини белгилаб берган “ягона совет маданияти”ни тарғиб қилган ғоялар кириб кела бошлади. Бу ғоялар бевосита миллий сиёсатда аҳамиятли бўлган кино соҳасида ҳам муҳим рол ўйнаган эди. Партия сиёсатидаги миллий урф-одатларни коммунистик мафкура андозасига солиш, ўзбек халқининг бой ўтмиш тарихини камситиш, анъана, урф-одат, расм-русум ва удумларни талабчанлик билан саралаш ҳам “коммунизмга яқинлашишда муҳим янги қадам бўлиши” лозим эди [8;9].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, социализмга хос бўлган миллий масаланинг моҳиятида социалистик миллат, элат ва этник гуруҳларнинг ҳар тарафлама ривожланиб, тобора ўзаро яқинлашиб, келажакда барча миллий айирмаларни тугатиш учун зарур бўлган шароитларни вужудга келтириш энг аввало социалистик коллективларни шакллантириш ва партия

томонидан илмий асосда ишланган дастурни яратиш ва амалга ошириш лозим бўлар эди [2;72]. Ана шундай жараёнда ўзбек социалистик миллати ҳам социалистик ривожланиш йўлига кирар ва миллий совет социалистик республикаларини ташкил этарди. Бу ўринда кўп жиҳатдан партиянинг меҳнаткашлар орасида идеология соҳасида олиб борган иши муҳим бўлиб, совет давлатида “миллатлар” ишчилар синфи сонини ошиши ва улар атрофида деҳқонларнинг бирлашиши билан ҳарактерланарди. Бироқ, ишчилар синфи ҳақидаги қарашлар кўпинча ҳаётий ҳақиқатга тўғри келмас эди. Совет давлатида шаклланган ишчилар синфи дунёдаги глобал муаммолардан йироқ, ривожланган давлатлар ишлаб чиқаришдаги тажрибасидан беҳабар бўлиб, бу совет жамиятида асосий тўғри йўл дея таъкидланди [7;241].

СССРдаги миллий масала билан шуғулланган хорижлик олимлар миллий сиёсатда йўл қўйилган хатолар, қўполликлар, зўравонликлар халқларнинг миллий онги ўсиб, ўз маданияти, кадр-қимматини ҳимоя қилишни кучайтирган сабаблардан деб кўрсатадилар. Совет армияси сафларида қишлоқлардан келиб хизмат қилган, ҳатто рус тилини яхшироқ билган ёшлар хизмат вақтида миллий мусулмонлик фазилатларини, қадриятларини чуқурроқ англаб уйларига қайтдилар [12;122]. Чунки ёшлар ҳарбий хизматда ўз республикаларига нисбатан миллий камситишнинг актив ва пассив шаклларига дуч келганлар.

АҚШ Колгейт университетининг профессори Марта Брилл Олкотт совет давлатидаги миллий сиёсатнинг асосий мақсадлари устида тўхтаб, қуйидаги хулосаларга келади: “умумсовет маданияти”да рус халқининг ҳал қилувчи ўрни сақланиб қолади; майда миллатлар маълум даражада миллий маданий автономияни сақлаб қолишга муяссар бўлдилар, шу билан бирга улар бу борадаги миллий тенгсизликнинг айрим кўринишларига рози бўлдилар, рус тили миллатлараро алоқа воситасига айланди, рус маданияти ўз ҳукмронлигини сақлаб қолди, бошқалар унинг принципларини қабул қилишга мажбур бўлдилар. Москвада ёки ўз республикасида катта

мансабларни эгаллаган кишилар бу борадаги кўрсатмаларни қабул қилишдан бошқа чоралари қолмади [11;114].

1950 йилларда партиянинг чиқарган қарорларида, хусусан, ВКП(б) МҚ нинг 1952 йилда тўплам кўринишида “Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳақида ВКП(б) Марказий комитетининг 1946 йил 14 августдаги қарори, “Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йил 4 сентябрь қарори”, В.Мураделининг “Улуғ дўстлик” операси ҳақида ВКП(б) Марказий Комитетининг 1948 йил 10 февраль қарори чиққан вақтда А.Довженконинг ҳам асарлари танқидга учради. Унинг “Украина в огне” (Украина олов ичида) номли фильми партия сиёсати, бутун совет халқи ва украин халқиға душман бўлган тор, чегараланган украин миллатчилигининг бир кўриниши деб, Л.Луковнинг Донбасснинг тикланишига бағишланган “Большая жизнь” (Катта ҳаёт) фильми ғоявий-сиёсий бузғунчи фильм деб талқин қилинди [4;261].

Шунингдек, С.Юткевичнинг “Свет над Россией” номли фильми, А.Довженконинг “Мичурин” фильми, С.Герасимовнинг “Молодая гвардия” (Ёш гвардия) каби фильмлари ҳам кескин танқид остиға олинди. Масалан, С.Герасимовнинг “Молодая гвардия” (Ёш гвардия) фильми ҳақида 1947 йил “Правда” газетасининг декабрь сонида чиққан мақолада Фадеев ватанпарвар яширин ташкилот тузилишида партиянинг раҳбарлик ролини тўлиқ очиб бермаганликда айбланди. Шу сабабли, романнинг 1951 йилдаги редакциясида яширин ташкилотнинг комсомоллар билан алоқалари бўрттириб кўрсатилди. Айни пайтда жойларда бадий фильмлар билан бир қаторда совет жамиятини улуғловчи, “Социалистик реализм – ҳаётни унинг тараққиётида ҳаққоний қилиб тасвирлаш” [6] каби вазифаларни амалға ошириш мақсадида хужжатли, илмий–оммабоп фильмлар жўнатиб турилди.

Кинонинг ташвиқотчиликдаги ролининг оширилиши билан 1949 йилдан мамлакатни кинолаштиришни янада кенгайтириш йўллари белгилаб берилди. Ўзбекистон КП МҚ Х съездида ҳам партия ва совет ташкилотларига

кинотеатрлар сонини янада ошириш вазифасини юклади. Натижада урушдан кейинги беш йилликда кинотеатрлар сони урушдан аввалгига нисбатан 22,4 фоизга ошди. 1948 йилнинг ўзида 101 та қўшимча кино қурилма, 43 та кўчма кино ташкил этилди. Республиканинг кўп жойларида овозли кинолар қўйиш йўлга қўйилди. 5 та ёзлик кинотеатр қурилиб, 12 та бино қайта таъмирланди. Кино аппаратларининг бекор туришини камайтирадиган бир қанча техника таянч пунктлари ва республика кинотеатрларини фильмлар билан таъминлаб турувчи кинопрокат пунктлари ташкил этилди. Ҳатто, фильмларни тўхтовсиз кўрсатиш учун иккинчи постлар ташкил этилди. 1948 йилда марказ тасарруфидан ўтиб, “энг яхши” деб ҳисобланган фильмларнинг 7 таси ҳар бири 20 нусхадан ўзбек тилига таржима қилинди. Ўзбекистон ССРда кинофильм кўрсатувчи жойлар сонини ошириш, янги кинотеатрлар қуриш, автомашина ва кино аппаратлари сотиб олиш кўзда тутилди. Қишлоқ жойларида кино хизматини яхшилаш учун жойларга, хусусан, янги ўзлаштирилаётган ерларга 2 тадан кино аппарати ўрнатилган 20 дан ортиқроқ автомашина юборилди. Бўка, Мирзачўл, Бекобод ва бошқа районлардаги колхозларда бундай машиналар ишлаб турди. Бироқ, бу вазифалар 1949 йилда мамлакатга камида 2 миллион тонна пахта етказиб беришлари учун колхозчиларга ёрдам, маданий хордиқ сифатида олиб борилди. Айни пайтда Тошкент киностудияси “Пахтани ўтдан сақла” номли киноочерк ҳам чиқарди. Ўзбекистон кинематография министрлиги 1949–1952 йиллар учун уч йиллик режа ишлаб чиқди. Бу режага мувофиқ Ўзбекистон ҳаётининг энг муҳим кунларига бағишлаб камида 3 та фильм ишлаб чиқариш режалаштирилганди. Бу фильмларда янги ерларнинг ўзлаштирилиши, Фарход ГЭС қурилишлари акс этиши керак эди [1].

Ўзбекистонда кино саноати ривожланишида У.Юсуповнинг хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиз. У.Юсуповнинг катта ташкилотчилик ишига ҳатто, Иккинчи жаҳон уруши ҳам таъсир ўтказа олмади. Ўзбекистонда Каттакўрғон сув омбори, Фарход электростанцияси қурилиши бошланди. Қурилиш билан бирга эвакуация қилинган кишилар, шу жумладан,

санъаткорларга ҳам шароит яратиш вазифаси кўндаланг турар эди. Шу йилларда республикага кўчиб келган ўттиздан ортиқ коллективга, жумладан Москвадаги революция номидаги, Ленин комсомоли номидаги, Иван Франко номидаги, Киев академик театрлари, Харьков рус оперетта театри, Ленинград эстрада ва миниатюралар театри, Украин давлат ашула ва ракс ансамбли, Белоруссия давлат жаз оркестри, Ленинград давлат консерваториясига барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги кино тармоғини киномеханиклар билан таъминлаш мақсадида республика киномеханиклар мактаби ва меҳнат резервлари бошқармасининг техника билим юртлири орқали амалга ошириб борди. Бу билим юрти, ўз навбатида, қўшни республикаларни ҳам кадрлар билан таъминлаш ишларини олиб борди. Ҳатто кино ходимлари тоифаларини ҳал этиш мақсадида кино ходимлари семинарлари мунтазам ўтказиб борилди. 1956 йилда кино ходимлари семинарини ўтгани учун 156 нафар киномеханик 2 категориядан 1-категорияга ўтказилди.

1956 йилда биргина Бухоро вилоятида ёзги яйловларда чорвадорларга кино кўрсатиш ишларини яхшилаш ишларини амалга ошириш мақсадида Ўрта чўл, Урганч чўл, Қизилқум, Кўкча чўл, Конимех ва Томди массивларида 1700 дан ортиқ киносанс, шу жумладан қишлоқ хўжалик мавзусини қамраб олган 68 та илмий-оммабоп фильм кўрсатилса-да [5], бироқ бу йилларда кадрлар етишмовчилиги ҳам яққол кўзга ташланганди. Сурхондарё, Андижон вилоятларида ва Қорақалпоғистон АССРнинг кўп вилоятларида маданият бўлими бошлиқларининг кино бўйича ўринбосарлари вазифасида кинони яхши тушунмайдиган ва талабга жавоб берадиган даражада тайёргарлиги бўлмаган кишилар ишлаганлиги қайд этилган. Масалан, Термиз районидаги 7 нафар киномеханикдан фақат 1 нафари Тошкент киномеханиклар мактабини битирган. Сурхондарё бўйича 25 нафар киномеханикнинг малакали гувоҳномаси бўлмаган. Қорақалпоғистон АССРда 1956 йил 25 нафар киши киномеханиклар курсида ўқиш учун

Тошкентга юборилади. Улардан 17 нафари ўқишни битириб, иш жойига қайтиб келади, жойнинг ўзида 14 нафар киномеханик ва киномеханик ёрдамчилари тайёрланади, бироқ уларга шароит яратилмаганлиги, мавжуд киноаппаратларининг талаб даражасида ишламаслиги, уларни устахонага беришдаги муаммоларнинг ўзи бу киномеханикларни иш жойларидан бўшаб кетишларига ҳам асосий сабаб бўлиб қолаверган. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, аҳолига кино ленталарни кўрсатиш борасида ҳам “социалистик мусобақалар” белгиланган, мана шу “социалистик режа”ларга қараб кино соҳасида келажакда амалга ошириладиган ишлар белгиланар эди. Ҳатто, бутун мамлакат бўйлаб кино саноатини ривожлантириш бўйича баландпарвоз режалар белгилаб, маърузалар қилинган бўлсада, оддий киноаппаратларни тузатадиган устахоналар йўқлиги, мавжудларида ҳам навбатнинг кўплиги белгиланган вазифаларнинг асосий қисми охирига етказилмай қолаётганлигидан далолат берар эди. Масалан, қишлоқ аҳолисига, чорвадорларга кино хизмати яхшилаш, туриб қолган кино аппаратларини ишга солиш учун Қорақалпоғистон АССРнинг 1956 йилнинг 1 августидан 1 октябрга қадар аҳолига кино кўрсатиш сифати бўйича кўрик ўтказилди. Бундай кўриклар мунтазам ўтказилса-да, бирортаси талаба даражасида бўлмаган [3].

“Социалистик мусобақалар” фақат вилоятлар, туманлар ўртасида эмас, балки республикалар ўртасида ҳам ўтказиб борилди. Биргина Тожикистон ва Туркманистон кино ишлаб чиқариш ва кинопрокат ходимлари билан ўрнатилган “мусобақа” натижасида кино томошалари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Сурхондарё вилоятининг Термиз, Ангор туманларида, Қорақалпоғистон АССРнинг Чимбой, Куйбишев, Хўжайли, Шаббоз туманлари ва Нукус шаҳрида, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида, Андижон вилоятининг Ленин, Хўжаобод туманларида кино ходимларининг ўқиши мутлақо ташкил қилинмаган. Бу вақтларда аҳолига маданий хизмат

кўрсатиш ишлари анча ривожланган, аммо айнан кино соҳасида техник кадрларнинг етишмаслиги жуда катта қийинчиликлар туғдирган.

Албатта, кейинги йилларда Э.Эшмуҳамедов ва кинодраматург О.Агишевнинг “Даҳонинг ёшлиги” фильми СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Қ.Камалованинг “Аччиқ данак” бадиий фильми халқаро Москва кинофестивалида соврин билан тақдирланди. Д.Салимовнинг “Ленинградликлар жигарбандларим менинг”, А.Қобуловнинг “Бўйсунмас”, Р.Ботировнинг “Лейтенант Некрасовнинг хатоси”, М.Абзаловнинг “Суюнчи”, “Келинлар кўзғолони”, А.Хамроевнинг “Водиллик келин”, Л.Файзиевнинг ҳинд киночилари билан ҳамкорликда сурагга олган “Севги афсонаси” каби фильмлари сурагга олинди. Бирок, ошкоралик йиллари (1985) ҳам маданиятни ривожлантиришдаги бу эркин ҳаракатларни янада кенгрок олиб бориш ўрнига студиянинг режасини бажариш орқасидан кувиш ҳолатлари юқори эди. Масалан, СССР Кинематография Давлат комитетининг Ўрта Осиё бўйича муҳаррири И.Раздорский ва А.Медведевлар ўзбек халқининг бой маданий турмушини, қолаверса, ички дунёсини тушунмаган ҳолда марказий студиялар қабул қилмаган ўртамиёна ва бўш сценарийларни “Ўзбекфильм”га мунтазам жўнатиб турдилар. Натижада Н.Рожков, А.Макаров, Б.Сааков, А.Галиев, Я. Филиппов каби бир қатор кинодраматургларнинг маҳаллий халқ маънавияти ва қадриятларига ёт бўлган жўн сценарийларига кенг ўрин берилди [12]. Гарчи “Ўзбекфильм” жамоаси ҳозирги кунга қадар халқ қалбидан муҳим ўрин олиб келаётган “Алишер Навоий”, “Мафтунингман”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Насриддиннинг саргузаштлари” каби фильмларни яратган бўлса-да, бирок бу жамоадаги кадрлар асосан марказда таълим олиб келганлиги сабабли, улар орасида ўзбек тилини биладиган, уни тушунадиганлар сони жуда озчиликни ташкил этар эди. Совет давлати миллий масалага пролетарча руҳда ёндашиб, жамиятни эзувчи ва эзилувчига, бойлар ва камбағалларга ажратди, миллий манфаатларнинг ва миллий муаммоларнинг мураккаб ва хилма-хил эканлигини унутиб, муттасил ривожланиб ва чуқурлашиб

боришини эътиборга олмади, шунинг натижада тор миллий манфаатлар атрофида ўралашиб қолиш ҳолатлари юзага келганди.

Умуман, совет давлати ўз тарихининг барча давларида ҳам миллий маданиятлар, диний эътиқодлар, халқларнинг маданий мероси, кадриятларига қарши мафкуравий кураш олиб борди. Бу ҳаракатлар, ўз навбатида, маънавий, мафкуравий ҳаёт соҳасига пролетар идеологияси ва ахлоқи андозаларини зўрлик билан, керак бўлганида таъқиб ва тазйиқ орқали олиб киришга қаратилди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, Ўзбекистонда XX аср 80-йилларининг ўрталарига келиб, миллий маданий мерос, кадриятлар, диний эътиқодга қарши яна бир кескин, муросасиз кураш бошланди. Лекин янги шароитда уюштирилган катағонлар ҳам, Ўзбекистонга келтирилган кадрларнинг республикани бошқариш учун қилинган ҳаракатлари ҳам натижа бермади. Буларнинг барчаси ўша вақтларда кишиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлиб қолганлигидан, “қайта қуриш” ва ошқоралик замонида шаклланган, янгидан куч олган зиёлилар фаолияти билан ҳам боғлиқ эди.

Узоқ йиллик совет давлати миллий сиёсатида СССРдаги барча миллатларнинг бирлашиб “социалистик турмуш тарзи”нинг шакллантирилиши пролетар интернационализми билан белгиланди. XX асрнинг 80-йилларига келиб эса миллий зиддиятлар бир-бири билан боғланган ҳолда ички ва ташқи омиллар, диний низолар асосида шаклланди. Натижада, социалистик тараққиёт йўлини инкор этувчи ҳаракатлар миллий мустақилликка эришиш, миллат манфаатларини тубдан таъминлаш йўлларини танлади. Хуллас, миллий муносабатлар борасидаги ижтимоий, сиёсий зиддиятлар мамлакат тақдири учун иқтисодиётдаги қийинчиликлардан ҳам хавфлироқ бўлиб қолди. Шунга қарамасдан, парчаланиб кетаётган советлар империясида ҳукмронликни қўлдан бермаслик учун СССР раҳбарияти Қурултай кучлар ва махсус хизматлар ёрдамида миллий можаролар асосида уни сақлаб қолмоқчи бўлди. Аммо халқларнинг иродаси бир гуруҳ тор, узоқни кўра олмаган, ғоявий ва

маънавий жиҳатдан заиф бўлган кучлардан устун чиқиб, уларни мағлуб этди ва улар мафкурасини тарих силсиласидан улоқтирди, хотиралардан тобора узоқлаштира бошлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Калонов З. Меҳнаткашларга кино хизматини янада кучайтирайлик // Қизил Ўзбекистон, 1949 йил 9 июл.
2. Ленинча интернационализм сиёсати амалда // Ўзбекистон коммунисти, – 1985. – №11. – Б. 72.
3. Матназаров М. Қорақалпоғистон кино ходимлари олдида турган муҳим вазифалар // Ўзбекистон маданияти, 1957 йил 17 август.
4. Новейшая история Отечества. XX век: Учебник для вузов. В двух томах. Том 2. – Москва. ВЛАДОС, 1999.
5. Остонов М. Кино хизматидаги ютуқ ва камчиликларимиз // Ўзбекистон маданияти, 1957 йил 20 март.
6. Фадеев А. Социалистик реализм учун // Ўзбекистон маданияти, 1957 йил 18 май.
7. Халқлар дўстлигининг буюк кучи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974.
8. Хоназаров Қ. Ижтимоий ҳаёт ва янги урф-одатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987.
9. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986 йил 10 октябрь.
10. Қизил Ўзбекистон. 1949 йил 9 июл.
11. Olcott M.B. Yuri Andropov and the "National Question" // Soviet Studies. – University of Glasgow, 1985. Vol. VXXXVII. № 1. – P. 114.
12. Henze R. B. The Significance of increasing bilingualism among Soviet Muslims. Cln: USSR and the Muslim World. P. 122.